



2017 йил «24» июль

№ 682-5

**2017 йил манзилли дастур асосида қурилиши
режалаштирилган 20 ўринли меҳмонхона
биносини қуриш учун ер майдони танлаб
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси, Ер кодекси”нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти томонидан амалга оширилган АПОТ (Худудларни меъморий режалаштиришни ташкил қилиш) бўйича қилинган лойиҳаси, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 26 майдаги №1243-сонли экологик экспертиза хулосасини, “JONIBEK TESHА ORZUSI” хусусий корхонаси томонидан Нурабод тумани Нурбулоқ маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.08 гектар ер майдонига 20 ўринли меҳмонхона биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 5 июндаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “JONIBEK TESHА ORZUSI” хусусий корхонасига Нурабод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.08 гектар ер майдонига 20 ўринли меҳмонхона биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 5 июндаги далолатномасини тасдиқлансин.

2. "JONIBEK TESHА ORZUSI" хусусий корхонасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга руҳсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга руҳсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га "JONIBEK TESHА ORZUSI" хусусий корхонаси томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ф.Эргашев)лар зиммасыга юклатилсин.

5. "JONIBEK TESHА ORZUSI" хусусий корхонаси томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Туман ҳокими



Ф.Заиров